QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
XALIQ BILIMLENDIRIW
MINISTRLIGI

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

No'kis q. A.Dosnazarov 62 uy, ind: 230100 tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: http://kkedu.uz, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

"21" апрель 2021 й. 01-01/03- 2041 - сонли

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгаши раиси**
**Қ.Сариевга**

**Ҳурматли Қаҳрамон Раматуллаевич!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш департаментининг **2021 йил 28 январдаги 08/1-1059-сонли ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 16 мартдаги 5/888-сонли хатида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 15 мартдаги 17-8/1841-сонли** хатларида келтирилган талаблар асосида, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги, оптик толали алоқа линиялари тортилган ва охирловчи қурилмалари ўрнатилган умумий ўрта таълим мактаблари, "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали билан шартнома тузган ҳолда, жорий йилнинг **1 февралидан бошлаб, янги - "Education" тарифли Интернет тармоғига уланди**. Ушбу тариф бўйича интернет хизматлари учун зарур бўладиган бир йиллик абонент тўловини молиялаштиришда амалий ёрдам сўраб, **2021 йил 18 февралида 01-01/7-776-сонли хат** орқали Сизга мурожаат қилган эдик. Ушбу мурожаат асосида, Молия вазирлиги чиқарган жавоб хатида эса, қайд этиб ўтилган **17-8/1841-сонли** хатда келтирилган талаблар асосида мактабларни янги - "Education" тарифли Интернет тармоғига улаш бўйича таъкидлаб ўтилган кўрсатмалар инобатга олинмасдан, аксинча, **олдинги, тезлиги паст ва абонент тўлови арзон бўлган - Ziyonet тарифлари** учун маблағ ажратилиши ҳақида билдирилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳусусан, Вазирлар Маҳкамаси ІТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш департаментининг **2021 йил 28 январдаги 08/1-1059-сонли** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва Коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг **2021 йил 15 мартдаги 17-8/1841-сонли** хатларида келтирилган талабларнинг сўзсиз бажарилиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги умумтаълим мактабларига уланган **“Education” тарифли Интернет тармоғининг узлуксиз ишлашини таъминлаш** мақсадида, ушбу интернет тариф учун бир йиллик абонент тўлови микдоридаги маблағнинг **жорий йил 1 май санасигача** ажратилишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

*Илова: ___ варақда.*

Ҳурмат билан,

**Вазир** **Р.Реимов**

Ижрочи: Р.Худайбергенов
Тел: 93. 485-17-51

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH
VAZIRLIGI

100047, Toshkent shahri, Amir Temur shoh ko'chasi, 4-uy
Tel: (+998) 71-238-41-07, Faks: (+998) 71-239-87-82
E-mail: info@mitc.uz www.mitc.uz

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ
ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ
И КОММУНИКАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, город Ташкент, улица Амира Темура 4,
Тел.: (+998) 71-238-41-07, Факс: (+998) 71-239-87-82
E-mail: info@mitc.uz, www.mitc.uz

20 21 y. « 15 » 03 № 17-8/1841 «__» ______ 20__ г.

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
MINISTRLER KENESI
KIRIS 5/888 sanli 4 bet
"16" Март 2021 ј

**Халқ таълими вазирлиги**

**Молия вазирлиги**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгаши,**
**вилоятлар ва Тошкент шаҳар**
**ҳокимликларига**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 февралдаги 02/3-23-сон топшириғига мувофиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига 2021 йил давомида республикадаги тиббиёт ва таълим ташкилотларини Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ механизмларини белгилаш ҳамда ушбу ташкилотларни Интернет жаҳон ахборот тармоғига улашни жадаллаштириш чораларини кўриш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқлари бўйича жорий йилнинг 29 январдаги 4-сон баёнининг 89-бандига асосан умумтаълим мактабларида Интернет хизматларидан узлуксиз фойдаланишни таъминлаш учун уларни "Ўзбектелеком" АК томонидан махсус ишлаб чиқилган "EDUCATION" тариф режаларига босқичма-босқич ўтказиш топшириғи берилган.

2021 йил 1 март ҳолатига, "Ўзбектелеком" АК томонидан (кейинги ўринларда - Компания) Халқ таълими вазирлигининг аксарият вилоят бошқармалари билан 2021 йил I чораги учун шартномалар имзоланган (маълумот учун 01.03.2021 йил ҳолатига жами 10 150 та мактабдан 6 210 та мактабларда (61 фоиз) EDUCATION тариф режаларида ишлаб келинмоқда). Бироқ, Хоразм ҳамда Тошкент вилоят халқ таълими бошқармалари бугунги

кунга қадар Компаниянинг ҳудудий филиаллари томонидан кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари учун шартномалар имзоланмаган.

Халқ таълими вазирлиги томонидан имзоланган шартномалардаги вилоят кесимида халқ таълим муассасалари сони (1-илова) ва юқорида кўрсатилган баённинг 89-банди 2 хат бошисига асосан, қуввати 500 ўқувчи ўрнидан кам бўлган мактаблар учун Интернет тармоғига уланиш тезлиги 10 Мбит/с, 501 дан 1 000 гача – 40 Мбит/с, 1 000 ва ундан юқори ўқувчи ўринли мактабларда 100 Мбит/с тезликда фойдаланиш учун 1 йиллик харажатлар сметаси тақдим этилмоқда (2-илова).

Юқоридагиларни инобатга олиб, Халқ таълими вазирлиги муассасаларини юқори тезликдаги Интернет хизматларига улаш мақсадида харажатлар сметасига бир йиллик абонент тўловини инобатга олинишини ҳамда шартнома имзоланмаган муассасаларни шартнома имзолаш ишларини жадаллаштиришда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова: 2 варақда.

**Вазир ўринбосари** **Ж. Махсудов**

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг
2021 йил "15" мартдаги 17-8/1841 -сон хатига
1-ИЛОВА

## Халқ таълими вазирлиги муассасаларига Интернет хизмати ташкил этиш учун имзоланган шартномалар холати тўғрисида
## МАЪЛУМОТ

*01.03.2021 йил холатига*

| Т/р | Вилоят номи | Умумий мактаблар сони | Тарифлар | | | Умумий | Шартнома имзоланиши керак бўлган мактаблар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | EDUCATION 1 | EDUCATION 2 | EDUCATION 3 | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 778 | 429 | 130 | 69 | 628 | 150 |
| 2 | Андижон вилояти | 785 | 246 | 323 | 160 | 729 | 56 |
| 3 | Бухоро вилояти | 566 | 536 | 0 | 0 | 536 | 30 |
| 4 | Жиззах вилояти | 588 | 214 | 129 | 28 | 371 | 217 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 1 140 | 158 | 142 | 70 | 370 | 770 |
| 6 | Навоий вилояти | 395 | 207 | 0 | 0 | 207 | 188 |
| 7 | Наманган вилояти | 706 | 193 | 218 | 109 | 520 | 186 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 1 216 | 750 | 0 | 0 | 750 | 466 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 930 | 300 | 0 | 0 | 300 | 630 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 339 | 333 | 0 | 0 | 333 | 6 |
| 11 | Тошкент вилояти | 869 | Шартнома имзоланмаган | | | 0 | |
| 12 | Фарғона вилояти | 946 | 946 | 0 | 0 | 946 | 0 |
| 13 | Хоразм вилояти | 546 | Шартнома имзоланмаган | | | 0 | |
| 14 | Тошкент шаҳри | 346 | 38 | 123 | 135 | 296 | 50 |
| | Жами тарифлар бўйича | 10 150 | 4 350 | 1 065 | 571 | 5 986 | 2 749 |

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг
2021 йил "13" мартдаги 17-8/1844-сон хатига
2-ИЛОВА

## Халқ таълими муассасаларини "EDUCATION" тариф режаларига улаш бўйича 1 йиллик абонент тўлови хисоби бўйича МАЪЛУМОТ

(сўм)

| Т/р | Вилоят номи | Халқ таълими объектлари | | | | "EDUCATION" тариф режалари | | | Жами ойлик абонент тўлови | Жами йиллик абонент тўлови |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | Умумтаълим муассаса турлари | | | EDUCATION 1 (10 мб/с / 4 мб/с)* | EDUCATION 2 (40 мб/с / 16 мб/с)** | EDUCATION 3 (100 мб/с / 40 мб/с)*** | | |
| | | | Кичик мактаблар | Ўрта мактаблар | Катта мактаблар | 200 000 | 550 000 | 1 050 000 | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 778 | 457 | 271 | 50 | 91 400 000 | 149 050 000 | 52 500 000 | 292 950 000 | 3 515 400 000 |
| 2 | Андижон вилояти | 785 | 283 | 421 | 81 | 56 600 000 | 231 550 000 | 85 050 000 | 373 200 000 | 4 478 400 000 |
| 3 | Бухоро вилояти | 566 | 196 | 302 | 68 | 39 200 000 | 166 100 000 | 71 400 000 | 276 700 000 | 3 320 400 000 |
| 4 | Жиззах вилояти | 588 | 381 | 167 | 40 | 76 200 000 | 91 850 000 | 42 000 000 | 210 050 000 | 2 520 600 000 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 1140 | 588 | 483 | 69 | 117 600 000 | 265 650 000 | 72 450 000 | 455 700 000 | 5 468 400 000 |
| 6 | Навоий вилояти | 395 | 225 | 132 | 38 | 45 000 000 | 72 600 000 | 39 900 000 | 157 500 000 | 1 890 000 000 |
| 7 | Наманган вилояти | 706 | 241 | 365 | 100 | 48 200 000 | 200 750 000 | 105 000 000 | 353 950 000 | 4 247 400 000 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 1216 | 594 | 529 | 93 | 118 800 000 | 290 950 000 | 97 650 000 | 507 400 000 | 6 088 800 000 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 930 | 495 | 368 | 67 | 99 000 000 | 202 400 000 | 70 350 000 | 371 750 000 | 4 461 000 000 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 339 | 173 | 138 | 28 | 34 600 000 | 75 900 000 | 29 400 000 | 139 900 000 | 1 678 800 000 |
| 11 | Тошкент вилояти | 869 | 401 | 333 | 135 | 80 200 000 | 183 150 000 | 141 750 000 | 405 100 000 | 4 861 200 000 |
| 12 | Фарғона вилояти | 946 | 306 | 506 | 134 | 61 200 000 | 278 300 000 | 140 700 000 | 480 200 000 | 5 762 400 000 |
| 13 | Хоразм вилояти | 546 | 157 | 343 | 46 | 31 400 000 | 188 650 000 | 48 300 000 | 268 350 000 | 3 220 200 000 |
| 14 | Тошкент шахри | 346 | 49 | 72 | 225 | 9 800 000 | 39 600 000 | 236 250 000 | 285 650 000 | 3 427 800 000 |
| | Жами: | 10 150 | 4 546 | 4 430 | 1 174 | 909 200 000 | 2 436 500 000 | 1 232 700 000 | 4 578 400 000 | 54 940 800 000 |

*ИЗОҲ:*
* EDUCATION 1 (Интернет тармоғига уланиш тезлиги соат 00:00 дан 20:00 га қадар 10 мб/с ва соат 20:00 дан 00:00 га қадар 4 мб/с)
** EDUCATION 2 (Интернет тармоғига уланиш тезлиги соат 00:00 дан 20:00 га қадар 40 мб/с ва соат 20:00 дан 00:00 га қадар 16 мб/с)
*** EDUCATION 3 (Интернет тармоғига уланиш тезлиги соат 00:00 дан 20:00 га қадар 100 мб/с ва соат 20:00 дан 00:00 га қадар 40 мб/с)
"Tas-IX" ва "Uz-IX" тармоқларига уланиш тезлиги барча "EDUCATION" тарифларда 100 мб/с

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлигининг
2021 йил "15" мартдаги 17-8/1841 -сон хатига
1-ИЛОВА

**Халқ таълими вазирлиги муассасаларига Интернет хизмати ташкил этиш учун имзоланган шартномалар ҳолати тўғрисида**
**МАЪЛУМОТ**

*01.03.2021 йил ҳолатига*

| Т/р | Вилоят номи | Умумий мактаблар сони | Тарифлар | | | Умумий | Шартнома имзоланиши керак бўлган мактаблар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | EDUCATION 1 | EDUCATION 2 | EDUCATION 3 | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 778 | 429 | 130 | 69 | 628 | 150 |
| 2 | Андижон вилояти | 785 | 246 | 323 | 160 | 729 | 56 |
| 3 | Бухоро вилояти | 566 | 536 | 0 | 0 | 536 | 30 |
| 4 | Жиззах вилояти | 588 | 214 | 129 | 28 | 371 | 217 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 1 140 | 158 | 142 | 70 | 370 | 770 |
| 6 | Навоий вилояти | 395 | 207 | 0 | 0 | 207 | 188 |
| 7 | Наманган вилояти | 706 | 193 | 218 | 109 | 520 | 186 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 1 216 | 750 | 0 | 0 | 750 | 466 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 930 | 300 | 0 | 0 | 300 | 630 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 339 | 333 | 0 | 0 | 333 | 6 |
| 11 | Тошкент вилояти | 869 | Шартнома имзоланмаган | | | 0 | |
| 12 | Фарғона вилояти | 946 | 946 | 0 | 0 | 946 | 0 |
| 13 | Хоразм вилояти | 546 | Шартнома имзоланмаган | | | 0 | |
| 14 | Тошкент шаҳри | 346 | 38 | 123 | 135 | 296 | 50 |
| | Жами тарифлар бўйича | 10 150 | 4 350 | 1 065 | 571 | 5 986 | 2 749 |

**O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining maslahatchisi – Vazirlar Mahkamasi IT-texnologiyalar, telekommunikatsiyalar va innovatsion faoliyatni rivojlantirish masalalari departamenti boshlig'i**

---

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,**
**вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,**
**Молия вазирлиги** (Ишметовга),
**Ахборот технологиялари вазирлиги** (Садиковга),
**Халқ таълими вазирлиги** (Шерматовга)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ–4884-сон қарорига мувофиқ **2021 йил январдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари умумтаълим муассасаларининг интернетдан фойдаланиш хизматлари учун харажатларни ўз вақтида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Маҳаллий бюджет харажатлар сметасини шакллантиришда умумтаълим муассасаларининг интернетдан фойдаланиш хизматлари учун маблағлар ажратилишини ва марказлашган ҳолда халқ таълими ҳудудий бошқармаларига маҳаллий бюджетдан ўз вақтида тўлаб борилиши таъминлансин.

**Ахборот технологиялари вазирлиги** (Садиковга),
**Халқ таълими вазирлиги** (Шерматовга),
**"Ўзбектелеком" АК** (Хасановга)

2. Умумтаълим муассасаларида интернет хизматларидан узлуксиз фойдаланиш учун "Ўзбектелеком" АК томонидан махсус ишлаб чиқилган **"Education"** тариф режалари бўйича амалга оширилсин ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар кўрилсин.

3. Умумтаълим муассасаларида интернетдан фойдаланишни мониторинг қилиш ҳамда мазкур хизматлар учун давлат бюджети маблағларини мақсадли сарфланишини назорат қилиб бориш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий халқ таълими бошқармаларига "Ўзбектелеком" АКнинг "Биллинг" тизими орқали реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятини яратилсин.

4. Умумтаълим муассасаларида интернет тармоғига улаш ҳамда ундан фойдаланиш мақсадида ички тармоқ ва Wi-Fi қурилмалари инфратузилмасини яратиш ишларини жадаллаштирсин.

И.Умаровга

**О. Умаров**

2021 йил 28 январь
08/1-1059-сон

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI

100017, Toshkent, Navoiy ko'chasi, 2a-uy
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

MINISTRY OF PUBLIC
EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

2a, Navoiy Street, Tashkent, 100017
Tel.: (+998) 71 241-01-86; (+998) 95 479-99-08
web-site: www.uzedu.uz, e-mail: uzedu@exat.uz

2021-у. «18» январь № 01-03/422 «__» ________ 2021 г.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош вазири**
**А.Н.Ариповга**

***Ҳурматли Абдулла Нигматович,***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-4884-сон қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари умумтаълим муассасаларининг интернетдан фойдаланиш хизматлари учун харажатларни ўз вақтида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўланишини таъминлаши белгиланган.

Ҳозирги кунда "Ўзбектелеком" АК билан биргаликда мактабларни кенг полосали интернетга улаш ишлари олиб борилмоқда ва жорий йил якунига қадар барча мактабларни улаш вазифаси юклатилган.

Бунда қуввати 500 ўқувчи ўрнидан кам бўлган мактаблар учун интернет тармоғига уланиш тезлиги 10 Мбит/с, 501 дан 1 000 гача – 40 Мбит/с, 1 000 ва ундан юқори ўқувчи ўринли мактаблар, ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар) бошқарув бўлинмалари ҳамда тизимдаги бошқа муассаса (ихтисослашган, махсус таълим ва тарбия муассасалари, "Баркамол авлод" болалар мактаблари, болалар кутубхоналари ва ҳоказо) ва ташкилотлар – 100 Мбит/с тезликда уланиши таъминланиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сиздан интернет инфратузилмаси етиб борган халқ таълими тизими объектларида интернет хизматларидан узлуксиз фойдаланиш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўз вақтида тўловларни "Ўзбектелеком" АК томонидан махсус ишлаб чиқилган "Education" тариф режалари бўйича амалга оширилишини таъминланишида ёрдам беришингизни сўраймиз.

**Ҳурмат билан,**
**Вазир** **Ш. Шерматов**